

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ
БАҲОЛАШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИДА ҲИСОБДОРЛИК****ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ
МУТАХАССИСЛИГИ**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси 3-ўқув курси курсанти
ПУЛАТОВ АЗАМАТ АНВАР ЎҒЛИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу битирув малакавий ишида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, профилактика инспектори фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини ташкил этиш тушунчаси, узига хос хусусиятлари ўрганилган. Профилактика инспекторларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва ҳисобдорлик тизимини ташкил этиш доирасидаги нормаларнинг амалиёт таҳлили ҳамда ушбу фаолият доирасида юритиладиган процессуал ҳужжатлар таҳлил қилиниб уларнинг фаолиятига доир муаммо ва камчиликлар аниқланди ва уларни бартараф этиш буйича бир қатор таклифлар киритилди. Профилактика инспекторларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва унинг фаолиятида ҳисобдорлик тизимини ташкил этиш буйича бошқа хорижий давлатларнинг илғор хорижий тажрибаси ҳамда миллий қонунчилигимиздан фарқли ва ўқшаш томонлари, шунингдек, юқорида келтириб ўтилган жиҳатларидан фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни такомиллаштириш йуналишлари ёритиб ўтилган.

Шартли қисқартмалар:

- ИИО-ички ишлар органлари;
- ТП – Таянч пункти;
- МЖТК – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс;
- ЖК – Жиноят кодекси;
- ЖИК – Жиноий ижроия кодекси;
- ҲМҚО – Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар;
- ЖТС-жамоат тартибини сақлаш;
- ИИБ-ички ишлар вазирлиги;
- ИИБ-ички ишлар бошқармаси.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларда умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий нормаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, соғлиғи, кадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини химоя қилиш масалалари устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди. Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳоли нинг

хуқуқий маданияти ва хуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга буйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик хуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳисобланади. Ҳар қандай жамиятда қонун устувор бўлмас экан, у ерда барқарор ривожланишга, инсоннинг эъозланишига эришиб бўлмайди. Чунончи, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Ислоҳотларимиз самараси куп жиҳатдан 4та муҳим омилга, яъни қонун устуворлигини таъминлаш; коррупцияга қарши қабтй курашиш; институционал садоҳиятини юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ”

- профилактика инспекторининг илгари судланган вояга етмаганлар билан ишлаш жараёнида соҳавий хизмат ходимлари ва давлат органлари билан ҳамкорлигини ўрганиш.

Ўз навбатида ички ишлар органларининг ҳам алоҳида вазифалари мавжуд бўлиб, уларнинг хуқуқий механизми яратилиб, асосий йуналишлари белгилаб берилди. Бугинги кунда хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳамда ички ишлар органлари тизимларида амалга оширилаётган ислоҳотларда ушбу вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди ва тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди⁸.

Шу билан бир қаторда ички ишлар органларининг давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлигини ва хуқуқбузарликлар профилактикаси йуналишида амалга оширилган тўғрисида ИИОлари раҳбарлари, хуқуқбузарликлар профилактикасининг раҳбар ходимлари ва профилактика инспекторлари туман (шаҳар) халқ, депутатлари Кенгаши ва маҳалла фуқаролар йиғини оддида ҳисобот бериш тартиби белгиланди.

Ички ишлар органлари, шу жумладан, хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг янги тизими урнатилгани, ички ишлар органлари бошлиғидан тортиб профилактика инспекторларигача халқ олдида ҳисобот берадиган амалиёт жорий этилгани аҳолининг уларга бўлган ишончини янада оширмоқда. Ички ишлар органларидаги ислоҳотларнинг асосий йуналиши Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил ноябрь ойида ўтказилган видео-селектор йиғилишида таъкидлаганидек: “бугунги кунда энг катта масала, бу – ички ишлар тизимининг қуйи бўғинини мустаҳкамлашдан иборат”.⁹ Бевосита энди хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасига оид тушунчаларга таъриф беришни жоиз деб топдим.

2014 йил 14 майда қабул килинган Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунда¹⁰ хуқуқбузарлик, хуқуқбузарликлар профилактикаси, хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс тушунчаларига таъриф бериб ўтилган:

хуқуқбузарлик — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайрихуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

2014 йил 14 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунда¹⁰ хуқуқбузарлик, хуқуқбузарликлар профилактикаси, хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс тушунчаларига таъриф бериб ўтилган:

хуқуқбузарликлар профилактикаси — хуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, хуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган хуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг хуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими;

хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс — ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли хуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс.

Профилактика инспекторининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш деганда профилактика инспекторининг муайян вақт давомида узига бириктирилган маъмурий ҳудудда жиноятчиликка қарши кураш, хуқуқбузарликлар профилактикаси буйича амалга оширган ишлари натижалари тушунилади.

Профилактика инспекторининг ҳисобдорлиги деганда профилактика инспекторининг муайян вақт давомида ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда жиноятчиликка қарши кураш, хуқуқбузарликлар профилактикаси буйича амалга оширган ишлари юзасидан раҳбариятга ёки кенг жамоатчилик олдида ёзма ёки оғзаки равишда ҳисобот бериш фаолиятидир.

Хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектларга қуйидагилар киради:

- Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар;
- Хуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчи субъектлар;
 - Хуқуқбузарликлар профилактикасини мувофиқлаштирувчи субъектлар;
- Хуқуқбузарликлар профилактикасига раҳбарлик қилувчи субъектлар;¹¹

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар келтирилган бўлиб, улар қуйидагилар:

- Ички ишлар ---Прокуратура
- Давлат хавфсизлик хизмати органлари;
 - Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари;
 - Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари;
 - Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;
- Адлия органлари;
- Давлат божхона хизмати --Давлат солиқ хизмати; -----Меҳнат органлари;
 - Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва муассасалари;
 - Соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;;
 - Ўзбекистон Республикаси Экология ва аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қумитаси органлари.
- Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги

Юқорида кўрсатилмаган органлар ва муассасалар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъект тариқасида эътироф этилмайди. Улар факатгина конун хужжатларида белгиланган тартибдаиштирок этади ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдаиштирок этувчи субъектлар сирасига киради.

Юқорида келтирилган субъектлар тизими хизмат фаолияти давомида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширадидлар, бошқача қилиб айтганда бу вазифа уларнинг функционал вазифасидан бири саналади. Айнан шунинг учун ҳам конунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари тизими икки, яъни ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчи субъектлар тариқасида шакллантирилган.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

Раҳбарий адабиётлар :

1. Конституция, қонун, президент фармон қарорлари ва бошқа норматив ҳуқуқий хужжатлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992йил 8 декабрда қабул қилинган. – Т.: Ўзбекистон, 2021 – Б. 40
3. 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-5050-сон Президент қарори

4. 2021 йил 29 ноябрдаги “Жамоат хавфсизлиги концепсиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора тadbирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Президент фармони.
5. 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги 191-сонли буйруғи.
6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 13 сентябрда 2930-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 6 сентябрдаги 193-сонли буйруғига илова.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сонли фармони.

Интернет сайтлари:

1. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).
2. <http://press-service.uz/uz> (Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти).
3. <http://natlib.uz> (Алишер Навоий Номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси).
4. <http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси).
5. <http://ziyonet.uz> (ZiyoNET таълим портали).
6. <http://utube.uz/ru> (Utube.uz таълим видеопортали).
7. <http://book.uz/> (Электрон адабиётлар кутубхонаси).